

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ДАВЛЕТОВА ЗУҲРА ИКРОМБОЙ ҚИЗИ**

**ГУМИН КИСЛОТАСИ ВА МАКРОЭЛЕМЕНТЛАР АСОСИДА  
ЯРАТИЛГАН НАЙКЛ ПРЕПАРАТИНИНГ ҒЎЗАДАГИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**06.01.08–Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of  
agricultural sciences**

**Давлетова Зухра Икромбой қизи**

Гумин кислотоси ва макроэлементлар асосида яратилган Найкл препаратининг ғўзадаги самарадорлигини ўрганиш..... 3

**Давлетова Зухра Икромбой қизи**

Изучение эффективности препарата Найкл на хлопчатнике, созданного на основе гуминовой кислоты и макроэлементов..... 21

**Davletova Zuhra Ikromboy qizi**

Study of the effectiveness of application of Nacle stimulator created on the basis of humic acid and macro elements on cotton..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published papers..... 45

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ДАВЛЕТОВА ЗУҲРА ИКРОМБОЙ ҚИЗИ**

**ГУМИН КИСЛОТАСИ ВА МАКРОЭЛЕМЕНТЛАР АСОСИДА  
ЯРАТИЛГАН НАЙКЛ ПРЕПАРАТИНИНГ ҒЎЗАДАГИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**06.01.08–Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx 667 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг ([www.psuwayiti.uz](http://www.psuwayiti.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Абдуалимов Шухрат Хамадуллаевич  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Назаров Ренат Саидович  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Бабоев Саидмурот Кимсанбоевич  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг «10» 09 2025 йил соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37. e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 20 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2025 йил «26» 08 кuni тарқатилди.  
(2025 йил «26» 08 даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Нурматов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон пахта саноати бозори ва жаҳон кийим-кечак ишлаб чиқариши асосан пахта хомашёси ҳисобига шаклланади. Маълумотларга кўра, пахта толаси ҳажми 2033 йилга келиб 55,57 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Ҳиндистон, Хитой, Покистон ва АҚШ бутун дунё бўйлаб асосий пахта ишлаб чиқарувчи давлатлар ҳисобланса, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва Вьетнам дунёдаги энг йирик пахтани қайта ишловчи ва истеъмол қилувчи мамлакатлардир<sup>1</sup>. Дунё иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан бири бўлган ғўзани етиштириш, ундан юқори ва сифатли пахта толаси олиш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда бутун дунёда қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари унувчанлиги ва униб чиқиш қувватини ошириш, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва пишишини тезлаштириш, ҳосилдорликни ошириш, сув танқислигига, қурғоқчиликка, шўрга, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамлилигини оширишда стимуляторлардан кенг фойдаланилмоқда. Бунда, табиий ёки сунъий синтез қилинган ва фитогормонларнинг аналоглари бўлган стимуляторлар қўлланилмоқда. Стимуляторлар ўсимликда содир бўладиган физиологик ва биокимёвий жараёнларга комплекс таъсир кўрсатиши, фенологик фазаларнинг бошланишини тезлаштириши ва вегетация даврини қисқартириши, ҳосил ва унинг сифатини ошириши аниқланган.

Ўзбекистон шароитида чигитни эртаки, соғлом ва бир текис ундириб олиш, ниҳолларни касалликлардан ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш, жадал ўсиши ва ривожланишини таъминлаш, эртаки, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда стимуляторларнинг аҳамияти юқоридир. Шунга қарамадан турли тупроқ иқлим шароитларда ва ғўза навларида стимуляторларни мақбул қўллаш муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»<sup>2</sup> ги фармонида белгиланган қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ердан самарали фойдаланишда физиологик фаол моддаларнинг уруғларни униши, ўсимликни ўсиши, ривожланиши жадаллашиши, қурғоқчиликка, шўрланишга ва касалликларга чидамлилиги ортиши, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, минерал ўғитлар самарадорлигини оширишда гумин кислотаси, макроэлементли препаратларнинг таъсирини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

<sup>1</sup> <https://www.researchandmarkets.com>: Global Cotton Market & Volume by Consumption, Production, Export, Import Countries, Companies, Forecast (researchandmarkets.com).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» фармони (lex.uz).

стратегияси тўғрисидаги»ги фармони, 2023 йил 7 июлдаги ПҚ-216 сон «Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 15 декабрдаги ПҚ-391 сон «Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Физиологик фаол моддалар билан чигитга экиш олдида ва ғўзанинг вегетацияси даврида ишлов берилганда чигит унувчанлиги ортиши, ўсимлик ўсиши, ривожланиши ва физиологик жараёнларни жадаллаштириши, пахта ҳосили 15-20% ортиши, толанинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши Ф.Калинин, Ю.Мережинский, Ю.Ракитин, К.Овчаров, М.Чайлахян, В.Полевой, Н.Конарев А.Имамалиев, У.Мадраимов, Ш.Абдуалимов, К.Таджиев, Қ.Давронов, Ш.Каримов, Ф.Абдуллаев, Ф.Шамсиддинов, М.Ahmed, А.А.Shahid, R.Balakumbahan, K.Rajamani, Z.J.Chen каби маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан аниқланган. Минерал ўғитларнинг ғўзадаги самараси бўйича Е.А.Жориков, Б.П.Мачигин, М.А.Белоусов, И.Мадраимов, Б.М.Исаев, Б.Тиллабеков, Б.Ниязалиев каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Лекин, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида минерал ўғитлар қўлланилган ва минерал ўғитларсиз парваришланган ғўзада гумин кислотаси ва макроэлементлар асосида яратилган Найкл стимуляторини қўллаш муддат ва меъёрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг “Республиканинг турли тупроқ иқлим шароитларида ғўза, ғалла ва такрорий экинларда инновацион технологиялар асосида глобал иқлим ўзгариши шароитида ўғитлаш ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда турли хил стимуляторларнинг самарадорлигини илмий-амалий асослаш” (2021-2023) мавзуидаги илмий тадқиқот иши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида минерал ўғитсиз ва ўғитлар билан парваришланган ғўзада гумин кислотаси ва макроэлементлардан иборат Найкл стимуляторини турли муддат ва меъёрларда қўллашнинг чигит униб чиқишига, ўсимлик жадал ўсиб ривожланишига, физиологик жараёнларига, пахта ҳосили ва тола сифатига таъсирини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари

шароитида минерал ўғитсиз ва минерал ўғит билан парваришланган ғўзада Найкл стимуляторини чигитга ва ўсимликка турли муддат ва меъёрларда қўллашнинг:

лаборатория ва дала шароитида чигит унувчанлигига таъсирини аниқлаш;  
ғўзанинг ўсиши, ривожланиши даврлари ва ҳосил тўплаш жараёнларини ўрганиш;

ғўзани қуруқ масса тўплаши, барг сони, вазни, юзасининг ўзгариши ва фотосинтез соф маҳсулдорлигини аниқлаш;

ғўзада ҳосил элементлари тўкилишига Найкл стимуляторининг таъсирини ўрганиш;

пахта ҳосили ва толанинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

ғўза минерал ўғитсиз ва ўғитли шароитда парваришланганда Найкл стимуляторини қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қадимдан суғорилиб келинаётган типик бўз тупроқ, Найкл ва Узгуми стимуляторлари, ғўзанинг ЎзПИТИ-103 нави олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши, қуруқ массаси, барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, пахта ҳосили ва толанинг сифат кўрсаткичларидан иборат.

**Тадқиқот услублари.** Дала ва лаборатория шароитидаги тажрибалар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” қўлланмасига мувофиқ олиб борилган ва “Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар” дан фойдаланилган. Фотосинтез соф маҳсулдорлиги Н.Н.Третьяков услуби бўйича аниқланган. Тупроқ ва ўсимлик таҳлиллари “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмаси асосида, олинган маълумотларга математик статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуби асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида минерал ўғитсиз ва ўғитлар билан парваришланган ғўзада Найкл стимуляторини мақбул қўллаш муддатлари ва меъёрлари илмий асосланган;

минерал ўғитсиз ва ўғитли шароитда чигитга экиш олдида Найкл стимулятори билан 4,0 л/т меъёрда ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқиши 6,8-11,5% тезлашган, ғўзанинг шоналаш даврида 1,0 л/га, гуллаш даврида 2,0 л/га ва ҳосил тугиш даврида 3,0 л/га меъёрларда қўлланилганда ўсимликнинг ўсиб ривожланиши жадаллашиб, 1-чин барг чиқиши 1-2 кунга, 3-4 чин барг чиқиши 1-3 кунга, шоналаш даври 1-2 кунга, гуллаш даври 1-3 кунга, кўсақларнинг очилиши 2-5 кунга тезлашган;

минерал ўғитсиз парваришланган ғўзага Найкл қўлланганда ғўзанинг бўйи 7,0-13,3 см баланд, ҳосил шохлар сони 0,7-2,7 дона ва кўсақлари 1,7-3,7 донага ортиб, очилиши 9,6-15,0% тезлашган, минерал ўғитлар қўлланилганда ўсимлик бўйи 2,4-5,5 см, ҳосил шохлар сони 0,5-0,7 дона, кўсақлари 1,6-4,0

донага, очилиши 2,6-9,5% га юқори бўлган;

пишиш даврида бир туп ғўза барг юзаси 156,0-276,8 см<sup>2</sup>, барг сони 1,6-3,3 дона, барг оғирлиги 6,2-9,1 г, битта барг вазни 0,08-0,18 г, фотосинтез соф маҳсулдорлиги шоналаш-гуллаш даврида суткасига 0,44-2,32 г/м<sup>2</sup>, гуллаш-пишиш даврида 0,71-1,76 г/м<sup>2</sup> назоратга нисбатан ортган ва ҳосил элементларининг тўкилиши минерал ўғитсиз шароитда 7,4-12,3%, минерал ўғитлар қўлланганда 4,9-8,3% камайгани аниқланган;

ғўза минерал ўғитсиз ўстирилганда ва минерал ўғитлар билан озиклантирилганда Найкл стимуляторини қўллаш ўғитсиз шароитда 34,5 ц/га, минерал ўғитлар қўлланганда 40,6 ц/га пахта ҳосилини етиштириш ва 5,4-6,1 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг ЎзПИТИ-103 навида Найкл стимулятори чигитга экиш олдида 4,0 л/т, шоналаш даврида 1,0 л/га, гуллаш даврида 2,0 л/га ва ҳосил тугиш даврида 3,0 л/га меъёрларда қўлланилганда ўғитсиз фонда чигит униб чиқиши 74,4%, минерал ўғитлар қўлланилган шароитда 74,5% ни ташкил этиб, назоратдан 10,3-11,5% тезлашган;

ғўзанинг ўсиб ривожланиши ўғитсиз фонда назоратга нисбатан ғўзани бўйи 7,0-13,3 см баланд, ҳосил шохлар сони 0,7-2,7 донага ва кўсақлари 1,7-3,7 донага кўпроқ шаклланиб, очилиши 9,6-15,0% тезлашган бўлса, минерал ўғитлар қўлланилган фонда ўсимлик бўйи 2,4-5,5 см, ҳосил шохлар сони 0,5-0,7 донага, кўсақлари 1,6-4,0 донага ортиб, очилиши 2,6-9,5% юқори бўлгани аниқланган;

ғўзанинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги шоналаш-гуллаш даврида суткасига 0,44-2,32 г/м<sup>2</sup>, гуллаш-пишиш даврида 0,71-1,76 г/м<sup>2</sup> ортган ва ғўзанинг жадал ўсиши, ривожланиши, мўл ҳосил тўпланишига қулай шароит яратилган, ҳосил элементларининг тўкилиши 4,9-12,3% камайган;

ҳосилдорлик 5,4-6,1 ц/га юқори бўлган, тола узунлиги 0,02 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик даражаси 1,0-1,4%, солиштирма узилиш кучи 0,2-1,0 гк/текс ортиб, гектаридан 14 млн 102,7 минг сўмдан 14 млн 898,4 минг сўмгача соф фойда олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Лаборатория ва дала шароитларида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар назарий натижаларига мос келиши, хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, хулосаларнинг илмий асосланганлиги, соҳа мутахассислари томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, илмий нашрларда чоп қилинганлиги диссертация натижаларининг ишончилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ғўза минерал ўғитсиз ва ўғитлар қўлланилган шароитда парваришланганда Найкл стимуляторини чигитга ва ғўзани ўсув даврида қўллаш натижасида чигитни униб чиқиши тезлашгани, ўсимлик ўсиши-ривожланиши жадаллашгани, ғўзанинг ривожланиш

даврларида кечадиган физиологик жараёнларига ижобий таъсир этиши, курук массаси, барг юзаси ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги ортгани, пахта ҳосили ҳамда тола сифати яхшилангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти типик бўз тупроқлар шароитида чигитни эртаги ва қийғос ундириб олиш, ўсиши ва ривожланишини тезлаштириш, юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш учун минерал ўғитлар қўлланилган ёки минерал ўғитсиз шароитда Найкл стимуляторини қўллашнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилган, натижада иқтисодий самарадорликка эришилиб, рентабеллик даражаси 10,8% ортган ҳамда амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўзани минерал ўғитсиз ва минерал ўғитлар билан парваришlashда Найкл стимуляторини қўллашнинг мақбул меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“Ғўзани минерал ўғитлар ва ўғитларсиз етиштиришда Найкл стимуляторини қўллаш бўйича” тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 3 июлдаги 05/04-04-301-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома, бугунги кунда пахтачилик кластерлари ва фермер хўжаликларида қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Ғўзани минерал ўғитлар билан N-200, P-140 ва K-100 кг/га меъёрларда озиклантириб, Найкл стимуляторини чигитга 4,0 л/т, шоналаш даврида 1,0 л/га, гуллаш даврида 2,0 л/га, ҳосил тугиш даврида 3,0 л/га меъёрларда қўллаш технологияси Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “GARDEN ECO PLYUS” ф/х 10,0 га, ПСУЕАИТИ Наманган илмий тажриба станциясида 10,0 га, ПСУЕАИТИ Жиззах илмий тажриба станциясида 3,0 га, ПСУЕАИТИ Хоразм илмий тажриба станциясида 5,0 га, ПСУЕАИТИ Сурхондарё илмий тажриба станциясида 5,0 га, жами 33 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 3 июлдаги 05/04-04-301-сонли маълумотномаси). Натижада, ғўза ниҳоллари униб чиқиши 12-15% тезлашиб, ўсимлик бўйи 5-6 см баланд, ҳосил шохлари 1-2 донага, кўсақлар сони 2-3 донага ортган ва ҳосилдорлик 35,0-40,6 ц/га ни ташкил қилиб, кўшимча 3,0-6,1 ц/га ҳосил олишга эришилган ва гектардан 14102,7 минг сўм соф даромад олинган ҳолда рентабеллиги 73,8%ни ташкил этган ҳамда одатий технологияда парваришланган ғўзага нисбатан гектарига 3197,5 минг сўм кўпроқ даромад олишга ва рентабеллик даражаси 10,8 % ортишига эришилган.

Ғўза минерал ўғитларсиз етиштирилганда Найкл стимулятори билан чигитга экиш олдида 4,0 л/т меъёрда ишлов бериш ва ғўзанинг шоналаш даврида 1,0 л/га, гуллаш даврида 2,0 л/га, ҳосил тугиш даврида 3,0 л/га меъёрларда қўллаш ПСУЕАИТИ марказий тажриба хўжалигида 1,0 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 3 июлдаги 05/04-04-301-сонли маълумотномаси). Натижада, ғўзанинг бўйи 65,4 см, ҳосил шохлар сони 11,7 дона, кўсақлар сони 9,8 донани ташкил этиб, 34,5 ц/га ҳосил етиштирилган ва кўшимча 5,4 ц/га

ҳосил олиниб, минерал ўғитларга сарфланадиган 4745,2 минг сўм иқтисод қилинган ва гектарига 14898,4 минг сўм даромад олиниб, рентабеллик даражаси 111,8 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория тажрибалари Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти махсус апробация комиссияси томонидан ҳар йили кўрикдан ўтказилиб, яхши ва аъло баҳоланган, йиллик ҳисоботлар институт услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда 5 марта маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, жумладан журналларда 5 та, шундан 4 та республика ва 1 та хорижда, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги, аҳамияти ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари батафсил тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилингани, апробацияда баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вўзани паваришларда стимуляторлар ва минерал ўғитларни қўллаш бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида уруғ экишдан олдин стимуляторлар билан ишлов беришнинг назарий асослари ва ўўзанинг ўсув даврида физиологик фаол моддалар билан ишлов беришнинг аҳамияти бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлардан олинган натижалар батафсил ёритилган.

Ҳозирги кунда дунё амалиётида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш, эртаки, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш мақсадида стимуляторларни экиш олдида уруғликка ва вегетация даврида ўсимликка қўллаш усули кенгайиб бормоқда ва юқори натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон ва чет элларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда турли стимуляторлар ва ўсишни созловчи моддалар қўлланганда, ташқи стресс омилларга бардошлиги ортгани, ноқулай экстремал шароитларда ҳам юқори натижаларга эришилгани, ниҳолларнинг униб чиқиши тезлашгани, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши яхшилангани, физиологик жараёнлар

мувофиқлашгани, ҳосилдорлик ортгани, маҳсулот сифати яхшилангани тўғрисида адабиётлардаги манбалардан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида Тошкент вилоятининг географик жойлашуви, тупроқ-иқлим шароитлари, тажриба тизими, тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек, дала тажрибалари ўтказилган майдонларда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Тажрибалар ўтказилган жой Тошкент вилояти Қибрай тумани худудида бўлиб, денгиз сатҳидан 576 метр баландликда жойлашган. Тажриба даласи Чирчиқ дарёсидан 7-8 км узоқликда, Бўзсув каналининг ўнг қирғоғида жойлашган, тупроғи типик бўз тупроқ. Тажриба қўйилишидан аввал амал даври бошида тажриба учун танлаб олинган даладан конверт усулида 5 та нуқтадан тупроқнинг 0-30 см ҳайдов ва 30-50 см ҳайдов ости қатлампидан намуналар олиниб, таҳлил қилинди. Унда тупроқ таркибидаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфор И.М.Мальцева ва Л.И.Гириценко, нитратли азот ионометрик услубда, ҳаракатчан фосфор ва калий Б.М.Мачигин ва П.В.Протасов (1963) усулларида аниқланди.

Тажриба даласи тупроғининг дастлабки агрохимёвий тавсифи қуйидагича: тупроқнинг 0-30 см ҳайдов қатлампида гумус миқдори 0,860%, умумий шаклдаги азот 0,079%, фосфор 0,160% ҳаракатчан шаклдаги  $\text{NO}_3$  - 12,01,  $\text{P}_2\text{O}_5$ -20,0 ва  $\text{K}_2\text{O}$ -240 мг/кг ни ташкил этган бўлса, 30-50 см ҳайдов ости қатлампида гумус 0,668 %, умумий азот 0,062 %, фосфор 0,150 %, ҳаракатчан шаклдаги  $\text{NO}_3$ -4,84,  $\text{P}_2\text{O}_5$ -13,6 ва  $\text{K}_2\text{O}$ -200 мг/кг ни ташкил этган. Юқоридаги маълумотлардан тажриба даласи тупроғи гумус ва ҳаракатчан шаклдаги фосфор билан кам таъминланган, алмашувчан калий билан ўртача таъминланган бўлса, тажрибанинг минерал ўғитсиз ва ўғитли фонларида амал даври охирида гумус, умумий ва ҳаракатчан шаклдаги азот, фосфор ва калий миқдорлари тажриба вариантлари бўйича йиллар давомида камайиб бориши, ғўзанинг асосий озика моддаларини ўзлаштириши ва бир тонна пахта ҳосил учун сарфланган NPK миқдорлари йилдан йилга ортгани аниқланган.

Тажибада ЎзПИТИ-103 нави экилган, ғўза қатор оралиғи 60 см. Ғўза минерал ўғитлар билан озиклантирилган ва минерал ўғитлар умуман қўлланилмаган далаларда тажрибалар олиб борилиб, Найкл стимулятори турли меъёрларда чигитга экиш олдида ва ғўзанинг шоналаш, гуллаш ҳамда ҳосил туғиш даврларида ишлов берилган. Тажрибанинг назорат ва эталон сифатида Узгуми стимулятори қўлланилган 1-2 ва 6-7 вариантлари кенглиги 4 қатордан иборат бўлиб, эни 2,4 м, бўйи 40,0 м, тажриба бўлакчаси майдони 96,0 м<sup>2</sup>. Тажрибанинг Найкл стимулятори турли меъёрларда ва муддатларда ишлов берилган 3, 4, 5 ва 8, 9, 10 вариантлари эса кенглиги 8 қатордан, эни 4,8 м, бўйи 13,0 м, тажриба бўлакчаси майдони 62,4 м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, 3 қайтариқда жойлаштирилган.


Ғўзанинг ЎзПИТИ-103 нави С-6530хF<sub>6</sub> (Андижон-13хАн-Баёвут-2) дурагайларини қайта чапиштириш йўли билан олинган дурагайларни кўп маротаба танлаш асосида А.Маҳмудов, Ж.Ахмедов, Қ.Мирзажонов,

А.Нуриддинов ва бошқалар томонидан яратилган. Тупи тўғри ўсади, бўйи 100-110 см, пояси яшил, ўртача даражада тук билан қопланган. Ҳосил шохлари 1,0-1,5 типда шохлайди. Уларнинг биринчиси тупининг 5-7 бўғинидан ўсиб чиқади. Барглари нисбатан йирик, 3-5 бўлакли, тўқ яшил рангда, гул косаси ўртача ва торроқ бўлиб 10-15 тиши бор. Кўсақлари ўртача йирик, тухумсимон, думалоқ шаклда, тумшуғи билинар-билинемас учлироқ, сирти бирмунча ғадир-будир бўлиб, бир дона кўсақдаги пахта вазни 5,9-6,1 г, чаноқлари яхши очилади. Ўсув даври 117-120 кун, ҳосилдорлиги 38-40 ц/га, тола чиқиши 37-38%, тола узунлиги 34,4-34,6 мм, нисбий узилиш кучи 28,1-28,6 гк/текс, тола пишиқлиги 4,4-4,6 гк, толасининг метрик рақами 5900-6100, 1000 дона чигит вазни 128-130 г, микронейри 4,1-4,5, толасининг типи IV, вилтга ва сувсизликка чидамли. Тупи ихчам, машина теримига мос.

Найкл (Nacle) стимулятори таъсир этувчи моддаси суюқ гумин кислотаси ва макроэлементлардан NPK 6-3-2%, S - 0,4%, гумус - 1,2%, Кореянинг Hanwoogi фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган. Ўзбекистонда “ITTIPOQ” МЧЖ корхонаси томонидан қишлоқ хўжалик экинларида қўллаш бўйича Давлат кимё комиссияси руйхатига киритилган. Чигитга экиш олдидан ва ғўза вегетацияси даврида қўлланилади. Найкл стимулятори ўсимликлардаги фитогормонлар орқали хужайранинг бўлинишига, моддалар алмашинувига, ўсимлик хужайраларидаги нуклеин кислоталари ва оксиллар алмашинувига фаол таъсир этади, бунда ниҳолларнинг униб чиқиши тезлашиб, илдиз, поя ва баргнинг ўсиши фаоллашади ва ҳосил элементлари сони ортади, ўсимликнинг мақбул ўсиши, ривожланиши яхшиланади ҳамда юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имконини яратади ҳамда иқтисодий самараси юқори бўлишини таъминлайди. Тажриба даласидаги барча агротехник тадбирлар умумий қоидалар асосида бажарилган. Тажриба тизмида белгиланган муддатларда чигит стимуляторлар билан дориланиб экилиб, 4-5 марта суғориш, 4-5 марта культивация, 2-3 марта озиклантириш ишлари амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Ўза минерал ўғитсиз ва минерал ўғитлар билан етиштирилганда Найкл стимуляторни қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида, чигит униб чиқишига Найкл стимуляторининг таъсири, ўсимлик ўсиши ва ривожланиши, ғўзанинг ривожланиш давлари, барг сони, оғирлиги ва юзасининг ўзгариши, курук массаси, минерал ўғитсиз ва ўғитли шароитда ғўзанинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ғўзада ҳосил элементлари тўкилиши, пахта ҳосили, толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Найкл стимулятори билан чигитга экиш олдидан турли меъёрларда ишлов берилганда ниҳоллар униб чиқишига таъсири аниқланганда, минерал ўғитлар қўлланилмаган фон назорат вариантыда оддий сув билан намлаб экилган чигитнинг дала унувчанлиги 64,1%, Узгуми стимулятори билан 0,7 л/т меъёрда ишлов берилганда 72,1%, Найкл стимулятори 3,0 л/т қўлланганда 70,9, Найклнинг 4,0 л/т меъёрида 74,4 ва Найклнинг 5,0 л/т меъёрида 72,0% ни ташкил этган (1-расм).



**1-расм. Найкл стимуляторининг чигит унувчанлигига таъсири, % (ўртача 2020-2022 йй.)**

Тажрибанинг минерал ўғитлар N-200, P-140, K-100 кг/га меъёрларда қўлланган фонда назоратда чигит унувчанлиги 63,0%, Узғумида 71,1%, Найкл билан чигитга 3,0 л/т меъёрда ишлов берилганда 72,3, Найкл 4,0 л/т меъёрида 74,5 ва Найкл 5,0 л/т меъёрида 72,0% эканлиги кузатилган.

Олинган натижаларга кўра, тажрибанинг минерал ўғитлар қўлланмаган фонда чигит унувчанлиги назоратга нисбатан Узғуми билан ишлов берилганда 8,0%, Найкл билан 3,0-5,0 л/т меъёрларда ишлов берилганда 6,8-10,3%, минерал ўғитлар қўлланилган фонда Узғумида 8,1%, Найкл билан турли меъёрларда ишлов берилганда 9,0-11,5% кўпроқ ниҳоллар униб чиққани қайд этилган.

Таъкидлаш лозимки, чигит униб чиқиш даврида минерал ўғитлар қўлланган ёки минерал ўғитларсиз шароитда чигит унувчанлиги бир-бирига яқин бўлган ҳолда асосий фарқланиш стимуляторлар қўлланганда ва уларнинг меъёрлари орасида кузатилган ҳамда Найкл стимулятори билан чигитга экиш олдида 4,0 л/т меъёрда ишлов берилганда энг юқори натижалар олиниб, чигит унувчанлиги 10,3-11,5% тезлашгани аниқланган.

Вўза минерал ўғитларсиз ва минерал ўғитларни қўллаб парваришланганда Найкл стимулятори билан чигитга ва ғўзанинг шоналаш, гуллаш, ҳосил туғиш даврларида ишлов берилганда жадал ўсиш ва ривожланишига қулай шароит яратилган. Масалан, тажрибанинг учинчи йили минерал ўғитсиз шароитда ўстирилган ғўзанинг бўйи, ҳосил шохлар сони, кўсаклар сони ва очилиш даражаси олдинги йиллардан энг паст бўлиб, биринчи ва иккинчи йилга нисбатан ғўзани бўйи 10,7-8,7 см, ҳосил шохлар сони 2,0 донага, кўсаклар сони 3,1-0,5 донага камайган бўлса, кўсакларнинг пишиб очилиши 38,4-11,5% га тезлашган. Яъни, ғўзага минерал ўғитлар берилмаслиги натижасида дастлабки 1-2 йиллари ўсимликнинг ўсиши-ривожланишига кучли таъсири сезилмаган, лекин учинчи йилда ўғит тақчиллиги таъсирида ғўзанинг бўйига ўсиши ва

ривожланиши пасайган. Лекин, Найкл стимулятори қўлланилиши, ғўзанинг ҳосил тўплаш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиб, бўйи 8,1 см баланд, ҳосил шохлар сони 2,7 донага ва кўсақлар сони 2,4 донага кўпроқ, очилиши 15,0% тезлашган. Бу ҳолатни ғўзанинг физиологик жараёнлари ва фотосинтез маҳсулдорлигига Найкл стимуляторининг ижобий таъсиридан ҳамда тупроқдан озика элементларини кўпроқ ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Ғўзага минерал ўғитлар (N-200, P-140, K-100 кг/га) фонда Найкл стимулятори турли меъёр ва муддатларда қўлланилганда ғўзанинг бўйи 78,9-81,2 см, ҳосил шохлар сони 14,0-14,5 дона, кўсақлар сони 11,6-12,1 дона, очилиш даражаси 52,6-59,5% бўлиб, бўйи 3,2-5,5 см баланд, ҳосил шохлар сони 0,5 донага кўпайган, кўсақлар сони 1,6-2,1 донага ортган ва очилиш даражаси 2,6-9,5% тезлашган. Яъни, минерал ўғитлар қўлланилган далада ҳам Найкл стимулятори ғўзанинг ҳосил тўплаш жараёнларига ижобий таъсир этган ҳамда энг юқори натижаларга Найкл билан чигитга экиш олдидан 4,0 л/т меъёрда ишлов берилиб, ғўзанинг шоналаш даврида 1,0 л/га, гуллаш даврида 2,0 л/га, ҳосил тўплаш даврида 3,0 л/га меъёри қўлланилганда эришилган.

Шундай қилиб, ғўза минерал ўғитларсиз ва минерал ўғитларни қўллаб парваришланганда Найкл стимулятори билан чигитга 4,0 л/т ва шоналаш даврида 1,0 л/га, гуллаш даврида 2,0 л/га, ҳосил туғиш даврида 3,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда минерал ўғитсиз фонда назоратга нисбатан ғўзани бўйи 7,0-13,3 см баланд, ҳосил шохлар сони 0,7-2,7 донага ва кўсақлари 1,7-3,7 донага кўпроқ шаклланиб, очилиши 9,6-15,0% тезлашган бўлса, минерал ўғитлар қўлланилган фонда ўсимлик бўйи 2,4-5,5 см, ҳосил шохлар сони 0,5-0,7 донага, кўсақлари 1,6-4,0 донага ортиб, очилиши 2,6-9,5% юқори бўлгани аниқланган.

Ғўзанинг шоналаш, гуллаш ва ҳосил туғиш даврларида барглари сони, юзаси, оғирлиги ва битта барг вазни ортиб бориши, минерал ўғитлар қўлланилганда эса минерал ўғитсиз фонга нисбатан ушбу кўрсаткичлар юқори бўлиши, Найкл стимулятори билан чигитга 3,0-5,0 л/т меъёрларда ишлов берилиб, ғўзанинг шоналаш даврида 0,5-1,5 л/га, гуллаш даврида 1,5-2,5 л/га ва ҳосил туғиш даврида 2,5-3,5 л/га меъёрларда қўлланилганда ғўзани пишиш даврида барг юзасининг 156,0-276,8 см<sup>2</sup>, барглари сони 1,6-3,3 донага кўпроқ, бир тупдаги барг вазни 6,2-9,1 г, битта барг вазни 0,08-0,18 г оғирроқ бўлгани кузатилган.


Ғўзани минерал ўғитсиз ва минерал ўғитлар билан парваришlashда Найкл стимулятори қўлланилганда, ривожланиш давлари давомида қуруқ массаси ортиб бориб, ўғитсиз фонга нисбатан ўғитли фонда юқорироқ натижалар олинган. Найкл стимулятори билан чигитга 4,0 л/т, ғўзанинг шоналаш даврида 1,0 л/га, гуллаш даврида 2,0 л/га ва ҳосил туғиш даврида 3,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда энг кўп қуруқ массаси шаклланиб, назоратга нисбатан минерал ўғитсиз фонда 26,4 г, минерал ўғитли фонда 27,6 г оғирроқ бўлган, шунингдек, қуруқ массанинг ортиши асосан пахта вазни ҳисобига эканлиги аниқланган. Найкл стимулятори турли меъёр ва муддатларда қўлланилиши ғўзанинг қуруқ биомассасига ижобий таъсир кўрсатиб, ўсув даври охирида

минерал ўғитсиз фонда пояси 2,1-3,2 г, барги 2,6-4,8 г, чаноқ 4,3-6,4 г, пахта вазни 10,8-14,7 г, жами куруқ массаси 22,1-26,4 г, минерал ўғитлар қўлланилган фонда бир туп ғўзанинг куруқ массаси 22,0-27,6 г, шундан пахта массаси 12,0-16,3 г оғир бўлгани қайд этилган.

Найкл стимуляторининг ғўзани фотосинтез соф маҳсулдорлигига таъсири минерал ўғитсиз ва минерал ўғитлар қўлланган фонларда бир хил намоён бўлган. Масалан, минерал ўғитсиз фоннинг назоратида фотосинтез соф маҳсулдорлиги суткасига 9,50 г/м<sup>2</sup> бўлса, Узгумида 9,42 г/м<sup>2</sup>, Найкл стимулятори билан чигитга 3,0 л/т, ғўзага амал даврида 0,5-1,5-2,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда 10,22 г/м<sup>2</sup>, Найкл чигитга 4,0 л/т, ғўза вегетацияси даврида 1,0-2,0-3,0 л/га меъёрда қўлланганда 10,21 г/м<sup>2</sup>, Найкл билан чигитга 5,0 л/т, ғўзани амал даврида 1,5-2,5-3,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда 10,36 г/м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 0,71-0,86 г/м<sup>2</sup> ортган.

Минерал ўғитлар билан озиқлантирилган фонда ғўзанинг гуллаш-пишиш давридаги фотосинтез соф маҳсулдорлиги назорат вариантыда суткасига 9,57 г/м<sup>2</sup>, Узгумида 10,01 г/м<sup>2</sup>, Найкл стимулятори билан чигитга экиш олдида 3,0 л/т, ғўза вегетацияси даврида 0,5-1,5-2,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда 10,69 г/м<sup>2</sup>, Найкл чигитга 4,0 л/т, ғўзага 1,0-2,0-3,0 л/га меъёри қўлланган вариантда 11,33 г/м<sup>2</sup>, Найкл билан чигитга 5,0 л/т, ғўзани амал даврида 1,5-2,5-3,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда 11,28 г/м<sup>2</sup> ни ташкил этган ҳолда назоратга нисбатан Узгумида 0,44 г/м<sup>2</sup>, Найклнинг турли меъёрларида 1,12-1,76 г/м<sup>2</sup> юқори маҳсулдорликка эришилган.

Ғўза минерал ўғитларсиз ва минерал ўғитларни қўллаб етиштирилганда Найкл стимулятори билан ишлов берилганда ҳосил элементлари сони ортган бўлса, аксинча уларнинг тўкилиши камайган (2-расм).



2-расм. Ғўза минерал ўғитсиз ва ўғитли шароитларда етиштирилганда Найкл стимуляторининг ҳосил элементлари тўкилишига таъсири, % ҳисобида (2020-2022 йиллар)

Масалан, минерал ўғитсиз фоннинг назоратида 39,4%, Узгумида 33,1%, Найкл стимулятори билан чигитга экиш олдида 3,0 л/т, ғўза вегетацияси даврида 0,5-1,5-2,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда 32,0%, Найкл чигитга 4,0 л/т, ғўзага 1,0-2,0-3,0 л/га меъёрида 28,4%, Найкл билан чигитга 5,0 л/т, ғўзанинг амал даврида 1,5-2,5-3,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда 27,1%, ғўза минерал ўғитлар билан озиклантирилган фоннинг назорат вариантыда 32,9%, Узгумида 29,9%, Найкл стимулятори чигитга экиш олдида 3,0 л/т, ғўза вегетацияси даврида 0,5-1,5-2,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда 24,6%, Найкл чигитга 4,0 л/т, ғўзага 1,0-2,0-3,0 л/га меъёрларда қўлланганда 24,7% ва Найкл чигитга 5,0 л/т, ғўзани амал даврида 1,5-2,5-3,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда 28,0% ҳосил элементлари тўкилгани аниқланган. Бунда, Найкл стимулятори минерал ўғитсиз шароитда қўлланганда тўкилиш даражаси 7,4-12,3%, минерал ўғитлар қўлланганда 4,9-8,3% камайган ҳамда кўпроқ кўсақлар ҳосил қилгани исботланган. Ғўза минерал ўғитсиз бир далада кетма-кет уч йил давомида парваришланганда тажриба йиллари бўйича ҳосилдорлик йилдан-йилга камайиб борган.

Тажрибанинг ўғитсиз назорат вариантыда биринчи (2020) йили 31,0 ц/га, иккинчи (2021) йили 29,6 ц/га ва учинчи (2022) йили 26,8 ц/га ҳосил олиниб, йиллар давомида ҳосилнинг камайиши 1,4-2,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, Узгуми стимулятори қўлланганда биринчи йил 34,9 ц/га, иккинчи йил 33,0 ц/га ва учинчи йил 30,1 ц/га пахта ҳосили етиштирилиб, камайиши 1,9-2,9 ц/га, Найкл стимулятори чигитга 3,0 л/т, ғўза вегетацияси даврида 0,5-1,5-2,5 л/га меъёрларда қўлланилганда юқоридагига мос равишда 35,3; 34,9 ва 31,1 ц/га ёки камайиши 0,4-3,8 ц/га, Найкл чигитга 4,0 л/т, ғўзага 1,0-2,0-3,0 л/га меъёрида 35,8; 35,3 ва 32,5 ц/га ёки камайиши 0,5-2,8 ц/га, Найкл чигитга 5,0 л/га, ғўзага 1,5-2,5-3,5 л/га қўлланганда 34,7; 34,5 ва 31,5 ц/га ёки камайиш 0,2-3,0 ц/га эканлиги қайд этилган. Яъни, минерал ўғитсиз шароитда ғўзани парваришлашда дастлабки йиллари ҳосилдорлик кўрсаткичи 0,2-3,8 ц/га ёки 10-11% камайиши кузатилган бўлса, Найкл стимуляторини қўллаш натижасида ўртача уч йилда дастлабки йилдагидек ҳосил олишга эришилган (1-жадвал).

Тажрибанинг ғўзага минерал ўғитлар N-200, P-140, K-100 кг/га меъёрларда қўлланилган фонда йиллар бўйича ҳосилдорлик иқлим шароитига қараб ўзгарган ва ҳосилдорлик ортиб борган, яъни об-ҳаво қулай келган йиллари пахтадан юқори ҳосил олинган.

Масалан, назорат вариантыда биринчи (2020) йил 32,6 ц/га, иккинчи (2021) йил 33,8 ц/га ва учинчи (2022) йил 37,0 ц/га ҳосил етиштирилган бўлса, шунга ўхшаш ҳолат Узгумида 35,2; 38,0 ва 40,7 ц/га, Найкл билан турли меъёрларда ишлов берилганда биринчи йили 36,7-37,8 ц/га, иккинчи йили 39,0-40,9 ц/га, учинчи йили 41,1-43,1 ц/га ҳосил етиштирилган.

Шунингдек, минерал ўғитсиз фонга нисбатан минерал ўғитлар қўлланганда ҳосилдорлик кўрсаткичи вариантлар бўйича биринчи йил ўртача 1,6 ц/га, иккинчи йили 4,8 ц/га ва учинчи йили 10,3 ц/га юқори бўлгани аниқланган.

**Ѓўза минерал ўғитсиз ва минерал ўғитлар билан етиштирилганда Найкл стимуляторининг пахта ҳосилига таъсири, 2020-2022 йиллар**

Вар. рақ.	Тажриба вариантлари	Чигитга ва ғўза вегетацияси даврида қўллаш меъёри	Йиллар бўйича пахта ҳосили, ц/га			Ўртача ҳосил, ц/га	Фарқи	
			2020	2021	2022		назоратдан	минерал ўғитдан
<b>Минерал ўғитсиз (N-0, P-0, K-0) фон</b>								
1	Назорат	-	31,0	29,6	26,8	29,1	-	-
2	Узгуми	0,7 л/т, 0,3-0,4 л/га	34,9	33,0	30,1	32,7	3,6	-
3	Найкл	3,0 л/т, 0,5-1,5-2,5 л/га	35,3	34,9	31,1	33,7	4,6	-
4	Найкл	4,0 л/т, 1,0-2,0-3,0 л/га	35,8	35,3	32,5	34,5	5,4	-
5	Найкл	5,0 л/т, 1,5-2,5-3,5 л/га	34,7	34,5	31,5	33,6	4,5	
<b>Минерал ўғитлар қўлланилган (N-200, P-140, K-100 кг/га) фон</b>								
6	Назорат	-	32,6	33,8	37,0	34,5	-	5,4
7	Узгуми	0,7 л/т, 0,3-0,4 л/га	35,2	38,0	40,7	38,0	3,5	5,3
8	Найкл	3,0 л/т, 0,5-1,5-2,5 л/га	37,0	40,0	41,6	39,5	5,0	5,8
9	Найкл	4,0 л/т, 1,0-2,0-3,0 л/га	37,8	40,9	43,1	40,6	6,1	6,1
10	Найкл	5,0 л/т, 1,5-2,5-3,5 л/га	36,7	39,0	41,1	38,9	4,4	5,3
Минерал ўғит учун		НСП <sub>05</sub> ц/га	0,53	0,50	0,46			
		НСП <sub>05</sub> %	1,51	1,38	1,30			
Стимулятор учун		НСП <sub>05</sub> ц/га	1,85	1,74	1,62			
		НСП <sub>05</sub> %	5,27	4,84	4,56			

